

Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича

Бутунжаҳон жамиятининг VI Халқаро конгресси

ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Биз, VI Халқаро Конгресс иштирокчилари, сўнгги йилларда Ўзбекистонда маданий меросни қўллаб-қувватлаш, асраб-авайлаш ва ўрганишга алоҳида эътибор қаратилаётганини, фан ва маданият соҳасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётганини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Янги Ўзбекистон беқиёс меросга, юксак илмий салоҳиятга эга давлат сифатида халқаро майдонда ўз мавқеини ишонч билан мустаҳкамламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси билан Ўзбекистонда Янги Уйғониш даври – Янги Ренессанс пойдевори қўйилаётгани маънавий-маърифий соҳада туб ўзгаришлар амалга оширилаётганида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Ижтимоий фанлар ва маданият соҳасида кенг қўламли тадбирлар ташкил этилмоқда, ўтказилмоқда, 2017–2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича 10 йиллик Давлат дастури қабул қилинди. Жумладан, биргина жорий йилнинг ўзида Самарқандда 7 та янги музей ташкил этилмоқда. Парижда бўлиб ўтган «Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги конвенцияга аъзо бўлган давлатлар Бош ассамблеясининг 9-сессиясида Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматлараро қўмитасига аъзоликка сайланганини мамлакатимизнинг ўтган асрлардаги ноёб маданий меросини асраб-авайлаш борасидаги саъй-ҳаракатларининг муҳим эътирофи сифатида қабул қилиш мумкин.

Ўзбекистон маданий меросини сақлаш, ўрганиш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамиятининг олти йиллик фаолияти давомида «Ўзбекистон маданий мероси» эксклюзив халқаро туркумининг 60 та жилди нашр этилди. «Ўзбекистон обидаларидаги битиклар», «Ўзбекистон фан ва маданияти олимлар асарларида» туркумларини нашр этиш бўйича ишлар давом эттирилмоқда, 60 дан ортиқ фильмлар суратга олинди, Ўзбекистонда ва хорижда кўплаб медиа-форумлар ўтказилди. Олим ва тадқиқотчилар ўртасида самарали мулоқотни таъминловчи ушбу ҳаракат дастури Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати, Eriell Group каби ижтимоий масъулиятли бизнес вакиллари ва қатор халқаро гуманитар ташкилотлар кўмаги билан амалга оширилди.

2022 йилнинг 22–24 июль кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамиятининг VI Конгресси дунёнинг 32 давлатидан ташриф буюрган 350 нафар иштирокчини бирлаштирди ва илм-фан оламининг муҳим воқеасига айланди. 100 дан ортиқ маърузалар ўқиб-эшиттирилди, давра суҳбатлари, сессиялар ўтказилди. Шу ўринда, лойиҳа географиясининг тобора кенгайиб бораётганини таъкидлаб ўтишимиз лозим. VI Конгресс ишида илк бор Марказий Осиёнинг деярли барча мамлакатлари олимлари иштирок этишди.

Биз ушбу туркумнинг дастлабки 35 жилдини нашр этиш ва Ўзбекистоннинг барча таълим муассасаларига тарқатиш бўйича Ўзбекистон ҳукуматининг ташаббусини олқишлаймиз. Ушбу ташаббус навқирон авлод маънавиятини юксалтиришда муҳим кадам бўлиб, бошқа давлатлар учун ўрнак бўлиши лозим.

Шу билан бирга, дунё ҳамжамияти томонидан Бутунжаҳон жамиятининг томонидан нашр этилган китобларга, шунингдек, уларни энг йирик илмий муассасалар, кутубхоналар ва музейларга кенгроқ тарқатишга юқори қизиқиш билдирётганини ҳам таъкидлашимиз жоиз.

Биз Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматига маданият соҳаси, ижтимоий фанларнинг тобора ривожланиб бораётгани, Ўзбекистон халқларининг маданий меросини асраб-авайлашга қаратилган ташаббусларни доимий равишда қўллаб-қувватлаётгани учун чуқур миннатдорчилигимизни билдирамыз.

Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамиятининг VI Конгресси иштирокчилари